

КОМИЛ ИНСОН КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ ЖАДИДЛАР ФАЛСАФИЙ МЕРОСИДА РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-118-130>

Амридинова Дилрабо Турсуновна

Тошкент фармацевтика институти доценти

Фалсафа фанлари доктори (DSc), Dilrabo1971@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада комил инсон концепциясининг жадиждлар фалсафий меросида талқин қилиниши ва унинг янги тараққиёт босқичида ёшлар тарбиясидаги, уларнинг ахлоқий, маънавий маданиятини юксалтиришидаги аҳамияти очиб берилган. Туркистон жадиждларининг янги усул мактаблари ташкил этиши, матбуот, театр ишларини ривожлантириши ҳаракатлари орқали комил инсонни шакллантиришига интиланганлар. Маърифатпарвар жадижд намоёндалари илм, фан ва миллий ва умиминсоний маданият ижодкорлари асарларини ўрганишини қайд этиб,, ёшларни дунёвий илмларни ўрганишига тарғиб қилганликлари таъкидланган. Шунингдек, жадиждлар ижодидаги маърифатпарварлик гоялари комил инсонни шакллантиришига йўналтирилганлиги масалаларининг моҳияти, уни ривожлантириши тенденциялари мазмуни очиб берилган. Муаллиф таъкидлайдики жадиждлар жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий асосларини тубдан қайта қуриши учун, ушбу мезонларига жавоб бердиган комил инсонларни шакллантириши зарурлигини асослашга уринган.

Калит сўзлар: Жадиждчилик, комил инсон, маърифатпарварлик, маърифий тарғибот, маънавият, маърифат, демократик қадриятлар, маънавий мерос.

АННОТАЦИЯ

В данной статье раскрывается трактовка понятия совершенного человека в философском наследии джадидов и его значение в воспитании молодежи на новом этапе развития, в повышении ее нравственной и духовной культуры. Джадиды Туркестана стремились сформировать совершенного человека путем создания новых методических школ, развития печати и театра. Отмечая, что просвещенные джадиды изучают труды творцов науки, науки и национальной и общечеловеческой культуры, подчеркивается, что они поощряли молодежь к изучению светских наук. Также раскрывается сущность

вопросов просветительских идей в творчестве джадидов, направленных на формирование совершенного человека, содержание тенденций его развития. Автор подчеркивает, что джадиды пытались обосновать необходимость формирования совершенных людей, отвечающих этим критериям, чтобы коренным образом перестроить социально-экономические, политические устои общества.

Ключевые слова: джадидизм, совершенный человек, просвещение, просветительская пропаганда, духовность, просвещение, демократические ценности, духовное наследие.

ABSTRACT

This article reveals the interpretation of the concept of a perfect person in the philosophical heritage of the Jadids and its significance in educating young people at a new stage of development, in raising their moral and spiritual culture. The Jadids of Turkestan sought to form a perfect person by creating new methodological schools, developing the press and the theater. Noting that enlightened Jadids study the works of the creators of science, science and national and universal culture, it is emphasized that they encouraged young people to study secular sciences. It also reveals the essence of the issues of educational ideas in the work of the Jadids, aimed at the formation of a perfect person, the content of the tendencies of his development. The author emphasizes that the Jadids tried to justify the need to form perfect people who meet these criteria in order to radically rebuild the socio-economic and political foundations of society.

Keywords: *Jadidism, perfect man, enlightenment, educational propaganda, spirituality, enlightenment, democratic values, spiritual heritage.*

КИРИШ

Мамлакатимизда буюк алломаларнинг, Туркистонлик жажидларнинг фалсафий меросини ўрганиш ва тадқиқ этиш, ёш авлодни ажодларимизнинг анъаналари, миллий ва умиминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш бўйича фаолият изчил давом эттирилмоқда. Маънавий – маърифий соҳадаги ислохотлар самарасини ошириш зарурати бу йўналишдаги ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришни талаб қилмоқда. Бу борада амалга оширилаётган илмий тадқиқот ишлари натижасида ёшларнинг онгу тафаккури, дунёқараши ўзгармоқда. Бу жараёнларда «Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари» ғоясининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Янги тараққиёт босқичида ёшлар тарбияси, яъни комил инсоннинг шаклланишига оид, инсониятнинг бой маънавий хазинасидан муносиб ўрин

олган тарихий, миллий, маънавий маданий меросимиз, урф-одатларимиз ва кадриятларимиздан самарали фойдаланиш, ёш авлодни ватанпарвар, фидокор, юксак маданиятли ва маънавиятли қилиб тарбиялашнинг асосий омилларидандир.

Фуқоралик жамияти ривожланиши даврида амалга оширилаётган ислохатлар, асрлар давомида яратилган кадриятларни тиклаш, асраб-авайлаш билан боғлиқ саъй-ҳаракатларимиз муҳим аҳамият касб этади. Бу эса қадимий тарихимиз, теран маънавиятимиз ва миллий мафкурамизга таяниб, бой маънавий кадриятларимизни, фалсафий тафаккур тарихимизни чуқур ўрганиш долзарб вазифага айлантирди.

Демократик ислохатлар давомида орттирилган ижтимоий тажриба далолат берадики, фалсафий онгнинг янгиланиши жараёни нафақат умумий маънавий муҳитнинг, балки жамият аъзоларининг ижтимоий қиёфаси, руҳий дунёси, мақсад ва ва эҳтиёжларини ўзгариши ҳамдир. Таъкидлаш лозимки, буюк аллома-боболаримиз орзу қилган фозил одамларнинг комил фазилатларини шакллантириш жараёнидир. Янги тараққиёт босқичида мамлакатимиздаги ижтимоий муҳитда инновацион жиҳатлар вужудга келди, одамларнинг руҳияти, ижтимоий иқтисодий жараёнлар моҳиятига нисбатан қарашларида ижобий ўзгаришлар рўй берди. Бундай жараён ўз навбатида, инкор, ворислик ва янгиланиш даврини шакллантирди. Унда, бир томондан, яқиндагина устувор бўлган синфий тамойиллар ўтмишга айланди, инкор этилди; иккинчидан, миллий ўзбек фалсафасида азал-азалдан мавжуд бўлиб келган, ва ҳатто собиқ мустабид тузум ҳам йўқота олмаган кўпгина анъанавий жиҳатларнинг сақланиб қолиши кузатилди; учинчидан эса, фалсафий тафаккурда янги йўналишлар, замонавий тушунча ва тамойиллар ўз ўрнини топмоқда [1,424].

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Тараққиётнинг янги босқичида ёшлар камолоти учун зарур бўлган, нафақат халқимизга хос бўлган буюк хусусиятлар, жадидлар ижодида ўз ифодасини топган. Шунинг учун ҳам жамиятда учраб турадиган салбий ҳолатларни жадидлар томонидан танқид қилинган. Биринчи навбатда, қариндош-уруғчилик ва маҳаллийчилик, коррупция ва манфаатпарастлик, худбинлик ва лоқайдлик бошқаларни менсимаслик каби салбий иллатлардан жамиятимизни бутунлай халос этишимиз лозимлиги таъкидланган. Бу каби салбий муаммоларга ечимига жавоб қидирилмоқда. Ижтимоий ҳаётдаги муҳим масала ҳисобланган, инсон оғирини енгил қилиш, одамзодни турли миллий,

ирқий, сиёсий келишмовчиликлардан асраб қолишнинг ечимини топишга қаратилган концепциялар ишлаб чиқилди.

Қуръони Каримда “қалб” сўзи 133 марта учрайди. Тустарий, Балхий, Нурий, Термизий, Ғаззолий каби алломалар фикрича, қалб инсон ичидаги илоҳий сир бўлиб, шу туфайли инсон ҳатто фаришталардан ҳам юқори туради. Қалб нарсаларнинг туб моҳиятини кўра олади, у инсон ҳатти-ҳаракатларини акс эттирувчи кўзгу бўлиб, савоб амалларни уни нурга тўлдиради, ёмон амаллар эса, аксинча, хиралаштиради [2,603]. Шу билан бирга гўзал инсон, яхши шахс тарбияси фақат унинг қалби билангина белгиланмайди. Қалби билан баб-баравар ақлнинг ўрни ҳам жуда катта. Ақл энг улуғ неъматлардан бири саналади ва у инсонни доимо англаш, фикрлаш, мушоҳада этиш, тафаккур қилишга ундайди. Масаланинг энг муҳим жиҳати шундаки, қалб ақл билан уйғунлашгандагина у том маънода инсонга, инсониятга хизмат қилиши мумкин, зеро Арасту таъкидлаганидек, ақл дил гўзаллиги билан қўшилса фазилатга айланади, акс ҳолда ақл фазилат эмас.

Инсонда қалб ва ақл уйғунлигига эришишнинг баркамол авлод тарбиясидаги ўрни масаласига миллий маънавият дурдоналарида катта аҳамият берилган. Буюк мутафаккир Абу Ҳомид Ғаззолий ўзининг “Кимёи саодат” асарида инсон вужудини катта бир шаҳарга ўхшатади. Ғаззолийнинг таъкидлашича, қалб ушбу шаҳар шоҳи яъни бошқарувчисидир. Ақл эса ўз ўзидан маълумки вазиридир шаҳар подшосининг. “Бунга ўхшаш вақтики подшоҳ Дил вазир-Ақлнинг маслаҳати бирла иш қилса, шаҳват ва ғзабни Ақлнинг зердасти ва фармонида қилса, бадан мамлақати анинг низомида бўлғусидир ва саодат йўлини топиб, Ҳақ Таолонинг маърифатини ҳосил қилғусидир ва агар Дил вазир Ақлни шаҳват ва ғзаб илигида асир қилса, бадан мамлақат вайрон бўлиб, подшоҳ Дил ҳам асир бўлиб, бадбахт ва ҳалок бўлғусидир”[3,37].

Назаримизда, қўйилган масалага бундан ортиқ изоҳ йўқ. Қалб билан ақл уйғунлашган жойда ривожланиш, яхшилик, эзгулик, гўзаликка интилиш бор. Қалб, дил ва ақл ўртасидаги келишмовчилик эса, барча зиддиятлар, ноҳақликлар, адолатсизликларнинг манбаидир. Шубҳасиз, ушбу ҳолатда қалб, дил, юракнинг ўрни, аҳамияти каттадир.

Инсонни, пировард натижада жамиятни маърифат булоғидан суғоришнинг йўли шахсни маънавият, маърифатга ошуфта қилишдадир яъни инсонни ва жамиятни салбий жараёнлардан асрашнинг ягона йўли инсон калбини соғломлаштириш - маънавий-маърифий тарбиядир.

Айни шу маънода, инсоннинг камолоти эзгу мақсадга йўналтирилган тарбияга боғлиқлигига ишонган жадидлар, жумладан, Абдулла Авлоний узил – кесил тарбия ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласи эканлиги борасида узил-кесил хулосага келади. Маърифатпарвар алломанинг юқоридаги фикрлари, ўз навбатида XX аср бошида миллатимиз тақдирини ва ҳаётида нақадар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ушбу фикр ҳозирги даврда ҳам муҳимдир. Алломанинг бундан бир аср муқаддам айтган пурмона фикрлари, ҳозир ҳам ўз долзарблиги ва жозибасини йўқотмаган. Чунончи, “Бизларни жаҳолат қаронғулигидан қутқарур. Маданият, инсоният, маърифат дунёсига чиқарур, ёмон феъллардан, бузуғ ишлардан қайтарур, яхши хулқ ва адаб соҳиби қилур. Алҳосил бутун ҳаётимиз, саломатимиз, саодатимиз, сарватимиз, маишатимиз, ҳимматимиз, ғайратимиз, дунё ва охиратимиз илми боғлидур” [4,303]. Унинг миллат меҳри билан суғорилган оташин фикрлари зиё инган қалбларга мудом бедорлик, маърифат ва таракқиёт сари ундаб келмоқда.

Жумладан, Исмоил Гаспралининг таъкидлашича, ғоя ёки миллий ғоя, миллат ва юрт равнақига керак бўладиган мустаҳкам пойдевор асосини яратиш ва ҳаётга татбиқ этишга қаратилгандир. Исмоил Гаспралининг Туркистон ўлкасидаги яқин маслакдоши бўлган маърифатпарвар Маҳмудхўжа Бехбудий эса талимни асосан мактабни барча ислоҳ этилиши миллат равнақига ҳисса қўшиши олиб келади, деб таъкидлаган. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг қайд этишича, миллатнинг ислоҳ этилишида миллий ғояни тарғиб қилиши ва қўллаб қувватлаши зарур. Исмоил Гаспралининг “Россияда мусулмончилик: фикрлар, қайдлар ва кузатувлар” асари эътиборга моликдир. Ушбу рисолада Исмоил Гаспрали Россия ҳукуматининг мусулмон мамлакатлари аҳолисига ва ислом жамиятида юзага келаётган ҳар хил ўзгаришларга муносабатлари масаласига оид ўзининг назарий қарашларини қайд этган. Исмоил Гаспрали ушбу рисолада мусулмонлар билан бирга Россия ҳукумати ўртасида узоқ муддатли ва самарали алоқалар ўрнатиш ва шакллантириш масалаларига оид муаммолар кўтарилган. Исмоил Гаспрали Россия ҳукуматининг миллий сиёсати стратегиясининг асосини бошқа миллатлар ҳуқуқларини ҳурмат қилишга асосланганлигини қайд этади. Исмоил Гаспрали Россия мусулмонлари маданий ривожини ҳақида ҳам фикр бидириб, миллий мактаблар ва умуммиллий дорилфунунларни яратиш ҳамда бошланғич таълимни она тилида олиб боришга мўлжалланган ўзининг дастурини тарғиб этади.

Ушбу дастурни амалда қўллаш ва тизимлаштириш учун эса Исмоил Гаспрали миллат фойдаси учун “умуммиллий ғоя” ишлаб чиқишни таклиф

этади. Айниқса, миллатни “умуммиллий ғоя” остида якдил бирлаштириш учун мусулмон жамиятининг зиёли қатламини ишга жалб қилишни илгари суради. Ушбу ғоя йўналиши турли таълим ва маданий, сиёсий, иқтисодий ва институтлар ташкил этилишига қаратилган бўлиб, Исмоил Гаспрали мусулмонларнинг зиёли қатламини 2 гуруҳга ажратади:

- 1) ҳукмдорлар, администратор яъни маъмурлар ва олимлар;
- 2) тижорат (савдогарлар) ва ишлаб чиқариш синфи вакиллари.

Исмоил Гаспрали “умуммиллий ғоя” мазмунини қолган барча ғоялардан юқори туриши кераклигини қайд этиб, “умуммиллий ғоя”нинг туб моҳияти миллатни улуғлаш учун қаратилган ва мақсадларни юқори кўтариш эса миллатнинг ҳақиқий бирлигидир деб таъкидлайди. Шу билан бирга ушбу “умуммиллий ғоя” миллатнинг интилиши ва фойдасини акс эттирмоғи керак. Яна “Умуммиллий ғоя” шариат қоидаларига кўра - энг улуғвор ва қимматбаҳо нарса деб эътироф этади.

Туркистон ўлкаси жадиждчилигининг асосий таркиби Хива, Бухоро, Тошкент ва Самарқанд вакилларида иборат бўлаган. Ушбу зиёли қатлам Туркистон ўлкаси мусулмонларига умуммиллий ғояни шакллантириб бериб, 1917 йилгача мавжуд бўлмаган умумий дастурни яратганлар. Туркистон ўлкаси маърифатпарварларининг дунёқарашини ўзгартирган норасмий дастури сифатида қабул қилинган Абдурауф Фитратнинг “Мунозара” ва “Ҳинд сайёҳи” асарларидир.

Туркистон ўлкаси жадиждларининг илмий амалий фаолияти янги босқичга кўтарилиб, усул мактабларининг ёйилишида салмоқли муваффақиятларга эришиб бўлинган. Асосийси эса Туркистон ўлкасида миллий матбуотга асос солинган эди.

Хорижлик жамиятшунос Адиб Холид Туркистон маърифатпарвар жадиждчилигини тадқиқ этиб унинг пайдо бўлиши Ўрта Осиёга рус босқини ҳамда бутун дунёни қайта тақсимлашга бўлган ҳаракатга яъни замонавийликка замонавий “жавоб” шаклида юзага келган, деб ҳисоблаган. Тадқиқотчи Туркистон ўлкаси маърифатпарвар жадиждлари ва уларнинг издошларини алоҳида қайд этиб, “улар жадиждча маърифат тарқатиш билан замонавий ва шу билан бирга мусулмончиликга содиқ қолган ҳамда Туркистон ўлкасига содиқ бўлган янги элита яратишга уринишган шу билан бирга замонавий дунёда Туркистон ўлксининг манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга тайёр туришган” деб таъкидлайди.

Шу билан бирга Адиб Холиднинг таъкидлашича, Туркистон маърифатпарварлари одатда Волга-Урал ва Қрим татарларининг ғояларини рад этиб адабий тил ва мактаб билан боғлиқ масалаларда Туркистон ўлкасига мос йўللарни топишга ҳаракат қилганлар. Бироқ Туркистон маърифатпарварлари муҳим масалаларни ачимида Россия мусулмонлари, ёки Исмоил Гаспарали фикрларига таянганлар.

Исмоил Гаспарали фикрларига кўра хайрия жамиятлари миллийлик ғоясини тарғиб қилувчи асосий воситадир. Туркистон ўлкасида мусулмон хайрия жамғармаларининг шаклланиши XIX асрнинг охирларида кўзга ташланади. Чор Россиясининг Самарқанд шаҳрини эгаллаганига йигирма беш йиллиги муносабати билан Самарқанд шаҳар бош қозиси Низомиддинхўжа ташаббуси билан 1894 йили 1500 сўм жамғарма тўпланиб маҳаллий аҳоли учун “Дор ул-ожизин” жамғармаси очилган. Шунингдек 1896 йили Фарғона вилояти Ўш шаҳрида, 1897 йили Бухоро амири Абдулаҳадхон Бухоро шаҳрида маҳаллий мусулмонларнинг “Дор ул-ожизин” жамғармалари таъсис этилиб, молиявий томонини шаҳар савдогарлари зиммаларига олган. Жамғармаларнинг асосий вазифаси ногиронлар ва кам таъминланганларга ҳамда шаҳар аҳолисининг ёрдамга муҳтож қисмини иссиқ овқат, бошпана билан таъминлаш бўлиб, хайрия муассасаларида тарқатилаётган икки маҳал иссиқ-овқат амирлик хазинаси ҳисобидан тўлиқ қопланган ва Туркистон ўлкаси мусулмон хайрия тизимида янги давр бошланган.

Туркистон ўлкасида хайрия жамиятини таъсис этиш масаласи илк бора 1906 йилда “Тараққий” газетасининг кун тартибига қўйилган бўлса, уч йилдан сўнг яъни 1909 йил августда “Жамияти Имдодия” тахаллуси остида Тошкент шаҳрида ташкил қилинган. Жаҳидчиларининг етакчиси Мунавварқори Абдурашидхонов муассаса ташкилотчилари шахсан бошчилик қилган. Ушбу жамғарманинг асосий вазифалари қуйидагилар бўлиб булар:

- 1) билим олиш учун аҳолининг барча қатламларига мўлжалланган мактаблар очиш;
- 2) йўқсиллар ва етим болаларга ғамхўрлик қилиш;
- 3) бошпансизлар учун яшаш жойлар ташкил этиш;
- 4) мусулмон талабаларига моддий ёрдам бериш [5, 20].

“Жамияти Имдодия” жамғармаси одатда аъзолик бадалидан жамғарма даромадини ортириб, жамият ташкил этилгач бир ярим йил давомида янги аъзолар жалб қилгач фақат маблағ йиғишдан бошқа ҳеч қандай фаолият билан шуғулланмаган. Шу билан бирга Туркистон маърифатпарварлари садақа ёки

закот каби хайрия маблағларини жамият фойдасига жалб қила олмаганлар. Чунки шаҳар задогонлари жамоат ишларига аралашмаган ва хайрияга маблағ сарф қилмаганлар. Маърифатпарварлардан Маҳмудхўжа Бехбудий матбуот саҳифаларида мақолалар эълон қилиб ишлаб чиқариш корчалонлари ва катта савдогарларни хайрия тадбирларини қўллаб-қувватлашга даъват қилган. Шу билан бирга, миллат ёшларини қўллаб-қувватлаш, мактаблар ислохоти, ёшларни хорижий мамлакатларнинг олий ўқув юртларига киришларига тайёрлаш ва ўқишга жўнатиш, умуммиллий ишларни амалга ошириш учун кутубхоналар, хайрия жамиятлари, жамғармалар, газета журналлар, турли тўғараклар, нашриётлар керак зарурлигини жадидлар таъкидлаб келишган. Ушбу мақсадга мўлжалланган ишларни амалга ошириш учун маблағ зарурлигини таъкидлаб, бу сармоя эса маҳаллий бойларимизнинг қўлидалигини билдириб, уларни ҳам бу хайрли ишларга жалб этиш кераклигини айтишган.

“Жамияти Имдодия” хайрия жамғармаси молиявий аҳволини ўнглаш мақсадида маблағ йиғишнинг турли усулларидадан фойдаланиб, кўнгилочар томошаларни ташкиллаштириш амалиётини қўллаганлар. Айнан шу масалада “Жамияти Имдодия” 1913 йили Тошкентда театр оқшомини ташкил этилиб, спектакл қўйилган ва йиғилган маблағнинг ярмидан ортиғи жамғарма ҳисобига ўтказилган.

Спектакл ва гастроллардан тушган маблағлар ҳам янги усул мактаблар учун сарфланган. Шулардан бири 1913 йили маърифатпарвар Абдулла Авлоний ва Мунавварқори Абдурашидхонов томонидан “Жамияти Имдодия” жамғармаси таркибида “Турон” жамиятини тузиб, унда театр труппасини шакллантирилган ҳамда газета ва нашриёт таъсис этилган. Абдулла Авлоний жамият таркибида мактаб ўқувчилари хор ижроларини пластинкага ёзиб, пластинкалардан тушган маблағни “Турон” жамияти ўтказган.

Хорижий тадқиқотчи Адиб Холид Туркистон маърифатпарварлари бой савдогарларни васийлик ва хайрия ишларига жалб қилишга уринишлари яхши самара беришини таъкидлайди.

“Ойна” журналидаги мақолалардан бирида Туркистон мусулмонларини шартли равишда уч гуруҳга бўлинган. Булар:

- 1) Бадавлат кишилар: ер эгалари, савдогарлар, ишлаб чиқарувчилар;
- 2) Турли ташкилот ёки алоҳида шахслар қўлида хизмат қиладиган ўқимишли кишилар;

3) Оддий омма яъни “миллат” ҳақида умуман тасаввурга эга бўлмаган кишилар.

Муаллифнинг фикрича барча гуруҳ вакиллари бирлашиб, тиллари ва диллари билан чиндан моддий ёрдам кўрсатсалар миллат равнақи йўлида исталган ишни амалга ошириш мумкин. Аммо Туркстон маърифатпарварлари мана шу “бирлик”ни таъминлай олмадилар ёки аниқроғи тасниф этилган гуруҳларни жамоат ишларига жалб қилиш йўлида яқдиллик билан бирлаштира олмадилар. Туркстон ўлкаси яна бир нашриётлари саналмиш “Шўро” журналида ҳам мусулмон дунёсида, хусусан Туркстон ўлкасида маблағсизлик ва хайриянинг етарли эмаслиги кўплаб миллий лойиҳалардан воз кечишга олиб келганлигини қайд этган.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки Туркстон ўлкасида дастлаб ғоявий тарғиботнинг ривожланмаслигига миллий матбуотнинг йўқлиги сабаб қилиб кўрсатилган. Россия мусулмон маърифатпарварлари сиёсий масалалар билан шуғуллаган бўлсалар Туркстон ўлкаси зиёли жаҳидлари йиғилиб қолган муаммоларни бартараф этиш борасида жамиятлар тузиш ёки тарғибот ишларини бошлаётган эдилар. Туркстон жаҳидларининг жамиятлар таъсис этиш, янги усул мактаблари ташкил этиш, матбуот, хайрия, театр ишларини ёйиш ҳаракатлари орқали ғоявий бирликни шакллантиришга интилганлар.

Маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий ўзининг “Аъмолимиз ёинки муродимиз” номли мақоласида Туркстон ўлкаси халқларининг турли тадбир ва маросимлари, миллий ўйинлари ҳамда кунлик турмуш тарзини таҳлил қилиб, халқни кўзини очиб бошқа миллатлар ишларига эътибор бериш ва яшаш шароитини ўзгартиришга чақирган. Маҳмудхўжа Беҳбудий оммани исрофли тадбирлардан тийилишга ва уларга сарфланадиган маблағни миллий кадрлар тайёрлаш ва давлат таълим муассасаларида болалар таълимига йўналтиришга чақирган. Маҳмудхўжа Беҳбудий бу ҳаракатларини умуммиллий ишлар, олий мақсадлар, хоҳиш ва интилишлар деб атаган.

МУХОКАМА

Жамиятшунос олим Б.Қосимовнинг таъкидлашича, “Ҳақ берилмас, олинур” каломи Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Мунавварқори Абдурашидхонов томонидан кўп бора қўлланилган бўлиб миллат руҳига сингмоғи даркор.

Исмоил Гаспарали рус тили ва қонунларини билмаслик, ва мусулмонларнинг замонавий билимлардан беҳабарлиги барча сиёсий ҳуқуқларни чеклаб, мусулмонларга берилган сиёсий ҳуқуқлар муаммоларни бартараф қилмаслигини таъкидлайди. Чунки, биргина ўқимишли рус маъмури

қирқ ўқимишли мусулмон кишисини жиловиди ушлаб юришди давом этааверади, деб тушунтирган. Айна шу маънода, Гаспарали ўз навбатида Туркистон жадидларининг мусулмонлар орасида замонавий билимларни тарғиб қилишга ундайди.

Маърифатпарвар Абдурауф Фитрат ўзининг “Қуръон” номли мақоласида миллат тараққиёти тўғрисида мунозара юритиб илм ўрганишни улуғловчи Қуръон оятлари орқали ўз фикрларини тушунтиришга ҳаракат қилган. Абдурауф Фитрат Қуръони каримни исталган миллатни кучли қилишга қодир бўлган ижтимоий қонунга қиёслаб, ҳамма мусулмонлар ривожланишга ва бахт-саодатга эришиш учун интилишлари кераклигини таъкидлайди.

Жумладан, Абдурауф Фитратнинг: ажабо, биз ўзимизни инсон деб атаб, ҳақиқий инсон каби ҳаракат қилишни хотирга келтирмаймизми? Наҳотки, биз қиёматгача ўзимизнинг жоҳиллигимизни тушуна олмасак ва сабабларини қидиришга ҳамда уларни ҳал қилиш чораларини топишга қодир бўлмасак?, Биз қандай қилиб тараққиётга эришамиз? дея туркистонликларга савол билан мурожаат қилади. Шу билан бирга Фитрат Туркистон ўлкаси мусулмонларига ривожланиш йўлини изламасдан тараққий этган миллатлар очиган йўللарни ўзлаштиришни, асосийси бунинг эътиқодга умуман даҳли йўқлигини тушунтириб ўтган.

Маърифатпарвар Абдурауф Фитрат Туркистон мусулмонларини газета чиқариш, хайрия таш килотлари, янги усул мактабларни такомиллаштириш ва қўллаб-қувватлашга чвқириб жамоат ишлари билан шуғулланишга хоҳиш билдирмасликларидан куюниб гапиради. Жуумладан иқтисодий қолоқлик сабабларидан бири бўлган тежамкорлик ва иқтисодий маданият етишмаслик муаммосини кўтаради. Жадидлар ўз асраларида ва мақолаларида ушбу масалалар ҳақида таъкидлайдилар. Халқни исрофгарчилик қилмасликка, тежамкорликка чақиради. Шунга қарамасдан жадидлар танқид остига олган муаммолар бугун ҳам жамиятни ташвишга солаётган ижтимоий масалалардан ҳисобланади. Жумладан адибнинг фарзанд тарбияси борасидаги фикр-мулоҳазаларини фалсафий аҳамият касб этади. Фитратнинг “Оила” асарин замонавий оила учун дастури амал вазифасини ўташи мумкин.

Шу билан бирга Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳам жадидларнинг ёш авлодини миллатни жипслашмаслиги ва умуммиллий лойиҳаларнинг амалга ошмаллигини танқид қилади. Маҳмудхўжа Беҳбудий ёш жадидларнинг ғоявий ихтилофларга барҳам бериб тезроқ келишув йўлини тутиш ҳамда йўқотилган халқ ишончини қайтаришга ундайди.

“Садойи Туркистон” газетасида таъкидланганидек Туркистон ўлкасига миллат ва Ватан нима эканлигини тушунадиган зиёли ёш авлод зарур ва ёш авлоднинг хизмати ўлароқ тараққиётга эришиш мумкиндир.

Бу борада Абдулла Авлоний Европа жамиятига Гаспринскийнинг нигоҳи билан қарайди. Гаспринский ҳам Авлоний учун жамиятни маърифат тамойиллари асосида янгилаш фикрига эга эди. Туркистон жадиidlари орасида яхши маълум бўлган “Европа маданиятига беғараз нигоҳ” мақоласида куйидагиларни ўқиш мумкин: “Агар кишиларнинг келгуси ҳаёти ва маданияти шунақа бўладиган бўлса, унда инсониятни катта бахтсизлик кутади. Европада ҳамма нарса бор, фақат адолат йўқ. Европа маданияти Қадимги Рим маданиятига асосланган. У эса ахлоқсизлик ортидан вайрон бўлган. Унинг ўрнини капиталистик маданият эгаллади. Социалистлар унинг самарасини рад этадилар. Социалистларнинг адолатига келганда, у ҳаммадан ошиб кетади. Нега? Чунки Европа маданиятининг энг катта айби шундаки, у адолатдан ва ҳалолликдан маҳрум”. Сўнгра муаллиф И.Гаспринскийнинг куйидаги сўзларини келтиради: “Европа худди кекса чол сингари катта ҳаётий тажрибага эга. Биз унинг мўътабар ёшини ҳурмат қиламиз ва ундан ўрганишимиз, унинг ҳаётий тажрибасидан фойдаланишимиз керак, аммо унинг хатоларини такрорламаслигимиз лозим. Биз ўзимиз ҳам мактаблар университетлар барпо этамиз. Аммо бизнинг ақлимиз ундан қанчалик олишга қодир бўлса – оламиз, виждонан ва бажону дил ҳаётга татбиқ этамиз, бироқ Европада нимани кўрсак, худди ёшларга ўхшаб, уни кўр-кўрона қабул қилмаймиз. Бу ўзи нима, унинг оқибатлари қанақа бўлади? Ор-номус, адолатга мос келадими? Буларни кўрсатиш инсонга хос, оқилона, мантиқий. Ҳар бир нарсага оқилона, ўйлаб ёндашмоқ лозим. Агар Европа маданияти, унга танқидий ёндашмасдан, ҳеч бир мулоҳазасиз қабул қилинадиган бўлса, албатта қандайдир кўнгилсизлик рўй беради.”[6,218].

Жадиidlар томонидан 1914 йилдан бошлаб Туркистон ўлкаси самарали миллий ғоявий тарғиботни амалга ошириш учун кутубхоналар, нашриётлар ташкил қилиб, муассасаларнинг мақсади сиёсий онг ва ироданинг мустаҳкамланишига хизмат қиладиган матбуотни шакллантириш ва китоблар нашр қилиш ва тарқатишдан иборат бўлган. Бу муассасалар қаторига Тошкентдаги “Нашриёт” ширкати, Бухородаги “Маърифат” кутубхонаси Қўқондаги “Ғайрат” кутубхонаси ва “Баракат” кооперативларини мисол бўла олади. Асосий эътибор эса ўрта авлод мусулмонларига қаратилиб, Исмоил Гаспринский фикрига кўра, шу даврдан бошлаб Туркистон жадиidlарининг

барча фаолиятлари “оғзаки тилдан босма матбуотга ўтган” ва омма орасида тарқалган.

Маҳмудхўжа Бехбудий III-Бутунроссия мусулмонлари съездида Туркистон делегацияси бошлиғи сифатида иштирок этиб маъруза қилиб, вақф, таълим ва диний масалаларни ҳамда Туркистон ўлкасида “Маҳкамаи Исломия” ташкилотини тузиш масалаларини кўтарди. Маҳмудхўжа Бехбудий съезд президиуми билан келишиб мусулмонлар иттифоқида қабул қилинган дастур асосида 1907 йил арпел ва ноябр ойларида Россия Давлат Думасининг Мусулмонлар фракциясига “Туркистон Маданий Мухторияти” лойиҳасини тақдим этган [6, 30].

Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Туркистон Маданий Мухторияти” лойиҳаси амалга ошмаган. Лекин шунг қарамай маърифатпарвар Маҳмудхўжа Бехбудий 1917 йили “Турк Адам Марказият” партияси лойиҳасида иштирок этиб 1917 йил 27 ноябрда Қўқон Мухторияти ташкил этилишига эришди. Мухторият ҳам кўп ўтмай 1918 йил 20 февралда большевиклар томонидан тугатилди.

ХУЛОСА

Шундай қилиб Туркистон ўлкасида жадидларнинг миллий бирлик борасидаги ҳаракатлари мусулмон аҳолиси ўртасида матбуот ва адабиёт орқали замонавий билимларни эгаллашга, жамоат ишларида қатнашишга қизиқиш уйғота олганлар. Туркистон жадидлари миллатни жисплаштирувчи миллий ғояни Россия мусулмонларидан олган бўлсалар ҳам, маҳаллийликга мослаштириб шакллантирганлар. Туркистон маърифатпарвар жадидлари дастлаб таълим, замонавий билимлар тарғиботи ва маҳаллий аҳолининг турмуш даражасини ўзгартиришга қаратилган дастур асосида фаолият олиб борганлар.

Жадидчилик таълимоти ўзининг ижтимоий-фалсафий моҳиятига кўра, фалсафий нуқтаи-назардан эзгуликка асосланган инсонпарварлик ғояларидан озикланган ҳолда ўз давридаги қоқоқ ва тарқоқлик ҳолатига тушган юртни жаҳолат ботқоғидан олиб чиқиш ва тараққиёт йўлига бошлаш учун миллий онгни маърифат нури билан ёритмоқ зарурати пайдо бўлди. Шунинг учун ҳам комил инсонни тарбиялаш, баркамол авлодни шакллантириш жадид зиёлиларининг бош мақсадига айланди, улар фалсафасида янги давр қаҳрамони образи шаклланди. Комил инсон концепциясининг Шарқона генезиси ва ворисийлиги умумлаштирилганда, рухий-маънавий етуклик, баркамол инсон - ўткир ақл, теран ҳис – туйғулар, ўткир сезиш қобилияти, идроки ва юксак фазилатга эга бўлган инсон эканлиги маълум бўлади. Комил шахс фазилатларида киши ақлни худа-беҳуда нарсаларга сарф этмаслиги, ҳар бир

сўзи ақл ва одоб тарозисида тортилиб, мулоҳазаси эътиқодига монанд бўлмоғи, бажарган ҳар бир ишидан афеус чекмаслик учун одоби билан бошқаларга намуна бўлмоғи ва ажралиб турмоғи лозим.

REFERENCES

1. Назаров Қ.Н. Истиқлол даври ўзбек фалсафаси: ўзгариш янгиланиш жараёни // Ўзбек фалсафаси тарихи (III жилд). – Тошкент.: Muharrir, 2020. – Б.424. // Nazarov K.N. Uzbek philosophy in the period of independence: the process of change and innovation // History of Uzbek philosophy (Volume III). - Tashkent .: Muxarrir, 2020. - S.424.
2. Ислом энциклопедияси.-Тошкент.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. –Б.603. //Islamic Encyclopedia.-Tashkent.: National Encyclopedia of Uzbekistan, 2004.-P.603.
3. Абу Ҳомид Ғаззоли. “Кимёи саодат”. Рух ҳақиқати.-Тошкент.: Адолат, 2005.37-бет // Abu Hamid al-Ghazali. "Kimyo'i Saodat". The truth of the soul. - Tashkent.: Adolat, 2005. p.37
4. Усмонов Ж. Абдулла Авлонийнинг фалсафий қарашлари // Ўзбек фалсафаси тарихи (III жилд). – Тошкент.: Muharrir, 2020. –Б.303 // Usmonov Zh. Philosophical views of Abdulla Avloni // History of Uzbek philosophy (Volume III). - Tashkent.: Muharrir, 2020. - P.303.
5. Абдурашидов З.Туркистон жадиidlари ва миллий ғоя тарғиботи. “Жадид маърифатпарварларининг миллий таълим, матбуот, адабиёт ва санъатни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ва унинг Миллий ғоя тарғиботидаги аҳамияти” мавзuidaги Республика илмий-амалий анжумани материаллари 2016 йил 15 апрель. –Тошкент.:2016.-Б.30.
6. Авлоний Абдулла. Танланган асарлар. 2-жилд. – Тошкент.: Маънавият, 2006. – Б.218. // Avlony Abdullah. Selected works. Volume 2 - Tashkent.: Manaviyat, 2006. - P.218.
7. Saifnazarov, I., Xujayev, M. (2018) Axmad Zaki Validiy islamic culture. Экономика и социум, 2, 55-57.